

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIQ: 2018 | 2022


2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



ОКТЯБРЬ

№45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
25-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-25**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-25**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ГЕОГРАФИЯ

1. Toshpo‘latov Abduqodir Maxammadjon o‘g‘li QURUQLIKDAGI “OROL”LAR YOXUD MARKAZIY OSIYODAGI ANKLAV/EKSKLAV HUDUDLAR	7
2. Комилжонова Малика Абдурахмановна, Шадманова Холида Рахманкуловна УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ФАОЛИЯТИ, ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР	9



ГЕОГРАФИЯ

QURUQLIKDAGI “OROL”LAR YOXUD MARKAZIY OSIYODAGI ANKLAV/ EKSKLAV HUDUDLAR

Toshpo‘latov Abduqodir Maxammadjon o‘g‘li

Namangan davlat universiteti
Geografiya mutaxassisligi magistranti
Ulug‘bek nomli Davlat stipendianti
E-mail: abduqodir.ielts.9@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu tezisda o‘ziga xos joylashuvga ega bo‘lgan hududiy birliklar – anklavlar borasida so‘z boradi. Jumladan, anklav/eksklav hududlardagi muammolarning o‘ziga xos jihati keltirilgan bo‘lib, bu orqali Markaziy Osiyodagi mavjud mazkur tipdagi “geosiyosiy orollar” va ulardagi hozirgi geosiyosiy vaziyat yoritib berilgan.

Kalit so‘z va iboralar: anklav, eksklav, geosiyosiy orol, delimitatsiya, demarkatsiya, qo‘shnichilik munosabatlari.

Hozirgi vaqtda yer sharida 8 milliardga yaqin¹ aholi istiqomat qiladi. Kishilar qadimdan tog‘ vodiylari, daryolarning yuqori oqimlari-yu deltalaridan tortib to qumli sahrolargacha istiqomat qilib keladi. Lekin qayerda bo‘lishidan qat’i nazar, kishilar ma’lum siyosiy-ma’muriy birlikka mansub hududda yashaydi.

Mamlakatlar geografik o‘rni va tarixan shakllanishiga ko‘ra ma’lum hududda yaxlit birlik sifatida tarkib topishiga qaramay, chegaralanishda shunday hududlar borki, ma’lum davlatning hududi asosiy davlatdan uzilib, boshqa davlat ichida qolib ketgan bo‘lishi mumkin. Bunday hududlarni **anklav hududlar**² deb yuritiladi. Zero, bunda u tegishliligiga ko‘ra eksklav bo‘lsa, joylashuviga ko‘ra anklav hisoblanadi. M., Ispaniyaning Lliviya munitsipaliteti Fransiyaning ichida joylashgan. Ushbu holatda, Lliviya Ispaniya (asosiy davlat) uchun eksklav, Fransiya (o‘rab turuvchi davlat) uchun anklav bo‘ladi.

Anklav joylashuviga ega hududlarni orollarga qiyoslash mumkin, faqat suvlikda emas – quruqlikda. Chunki ularga kirib-chiqish o‘rab turgan davlat ixtiyorida bo‘ladi hamda o‘zida “geosiyosiy orol”lik xususiyatini namoyon etadi. Odatda, anklavlar bir qancha ko‘rsatkichlarga ko‘ra:

- ✓ anklav hududga o‘tish huquqi;
- ✓ iqtisodiy, xususan, savdo-sotiq masalalari;
- ✓ ehtiyojij resurslar, ya’ni oziq-ovqat, ichimlik suvi, issiqlik (elektr va tabiiy gaz) ta’minoti bilan ta’minlash masalalarida o‘rab turgan davlatga bog‘liq bo‘ladi [1].

Shu bois, anklav/eksklav mavjud mintaqalar nozik geosiyosiy boshqaruvni talab qiluvchi, jahonning “qaynoq nuqta”lari toifasiga kiradi. Garchi Yevropa (Baarle anklavlar matryoshkasi) va Shimoliy Amerikada (Elm-Poynt va Alyaska) anklavlarga oid muammolar kuzatilmasada, Sharq regionlarida (Bengaliya, Levant, Kavkaz, Farg‘ona vodiysi va h.k.) bu mitti hududlarning ba’zan ulkan muammolari o‘zini namoyon qiladi.

Jumladan, Markaziy Osiyo – yer yuzining boshqa hududlaridan geografik va geostrategik o‘rnining muhimligi, yadroviy qurolga ega bo‘lgan mamlakatlarning manfaatlari to‘qnashgan hududda joylashgani, tabiiy resurslarga boyligi, bir-biriga yaqin etnomadaniy kelib chiqishga mansub etnoslarning konsolidatsiyasi o‘laroq yaxlitlikni ifoda etuvchi mintaqalardan biri hisoblanadi [3]. Mintaqa o‘z ichiga Qozog‘iston, Turkmaniston, O‘zbekiston, Qirg‘iziston va Tojikistonni oladi. Mazkur mintaqa yaqin yillargacha nizoli “qaynoq nuqta”lardan biri bo‘lib

1 2022-yil oktabr hisobi bo‘yicha, 7 mlrd 980 mln kishidan ortiq [5]

2 Fransuzcha so‘zdan olingan bo‘lib, “berk”, “yopiq” degan ma’nolarni anglatadi [6]



kelgan. Bunga birinchi navbatda, sobiq totalitar tuzumining milliy-hududiy chegaralanish davridagi xo‘jalik yaxlitligining inobatga olinmagani va u orqali kelib chiqqan chegara muammolarini misol qilib keltirish mumkin. Akademik V.V.Bartold ta’kidlaganidek, Markaziy Osiyo hayotida milliy farqlar katta rol o‘ynamaydi, ya’ni uning umumiyliги yaxlit xo‘jalik tizimining shakllanganidadir [2]. Bir butun mintaqani “millat-davlat”larga bo‘lib yuborish orqali o‘ziga xos anklavlar tarkib topgandi.

Markaziy Osiyoda shunday hududlar qatoriga Tojikistonning O‘zbekiston hududidagi Sarvak, Qirg‘izistondagi Vorux va G‘arbiy Qal’acha (Qayrag‘och); O‘zbekistonning Qirg‘izistondagi So‘x, Shimoliy So‘x (Cho‘ng‘ara yoki Qal’acha), Shohimardon, Jangail (Xalmion yoki Shimoliy Shohimardon) anklav/eksklavlarini misol qilib keltirish mumkin. Mustaqillikdan so‘ng ma’lum sabablarga ko‘ra, ayniqsa, mintaqadagi barcha davlat bilan chegaradosh, regionning markazidagi O‘zbekistonning “yopiqlik” kasb etishi ushbu hududlar bo‘yicha bir qancha muammolarni yuzaga keltirdi. Chunonchi, bular qatoriga chegaralarni minalashtirish, chegara postlarini yopish, tashqi savdo-sotiq munosabatlarini cheklash, mamlakatlararo transport tizimining tranzitlik xususiyatining cheklanishi va boshqalarni kiritish mumkin.

Keyingi yillarda Markaziy Osiyoda mintaqaviy hamkorlikning rivojlanishi barobarida nafaqat O‘zbekiston, balki butun mintaqaga geosiyosiy hayotida yangi davr boshlandi hamda buning natijasida qo‘shni davlatlar bilan munosabatlar faollashib, mintaqada hamkorlik va do‘stlik aloqalari yana umumiylik kasb eta boshladi.

O‘zbekiston Respublikasining yaxshi qo‘shnichilik negizida Qirg‘iziston va Tojikiston Respublikalari bilan baxsli chegara hududlarida olib borgan delimitatsiya-demarkatsiya ishlari natijasida ko‘plab chegara muammolari o‘z yechimini topdi [2]. Xususan, 2018/2019-yillarda O‘zbekistonda joylashgan Qirg‘izistonning Barak eksklavi maydoniga teng hudud o‘zaro almashinib, Andijon viloyatida joylashgan “anklav masalasi” bartaraf etildi [4].

Umuman olganda, XXI asrning ikkinchi o‘n yilligida Markaziy Osiyoda limologik muammolarni bartaraf etishga oid salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Natijada, regionda o‘zaro tashqi iqtisodiy aloqalar faollashib, yaxlit mintaqaga sifatida rivojlanib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Винокуров Е.Ю. Теория анклавов. -Калининград: Терра Балтика, 2007. - С. 342. ISBN: 978-0-7391-2403-1.
2. Жумаханов Ш., Тошпўлатов А. Анклавлар назарияси: географик ва геосиёсий таҳлил [Монография] / Масъул муҳаррир: К.М.Боймирзаев. – Наманган, “Усмон Носир медиа” нашриёти, Наманган. – Б. 146. ISBN: 978-9943-8405-8-4.
3. Jumakhanov Sh.Z., Toshpulatov A.M. "Geopolitical view of the Central Asian region: Uzbekistan's geopolitical location in the region and its relationship". ISJ Theoretical & Applied Science, № 11(79). – P. 5 (pages 515-519). – The USA, Philadelphia, 30 November 2019. <http://T-Science.org>
4. Toshpulatov A.M., Kakhkhorova U.N. Uzbek-kyrgyz Relations: Overcoming the Problem of the Barak Enclave //JournalNX. – India, 2020. №. 6 (6). – P. 33-37. https://www.academia.edu/43613080/journalNX_uzbek_kyrgyz_relations_overcoming_the_problem_of_the_Barak_enclave
5. Worldometers: Current World Population. <https://www.worldometers.info/world-population/>
6. Wikipedia: Enclave and exclaves. https://en.wikipedia.org/wiki/Enclave_and_exclave



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ФАОЛИЯТИ, ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Комилжонова Малика Абдурахмановна

Шадманова Холида Раҳманкуловна

Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар 12-умумтаълим

мактаб география фан ўқитувчилари

Тел: 99 080 73 37

Аннотация: Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида география фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар ва география фани ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ундаги қўлланиладиган педагогик технологиялар хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: География, Педагогик технология, сифат-самарадорлик, инновацион технология.

География фани ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ундаги қўлланиладиган педагогик технологиялар билан бир қаторда доимий равишда картографик усулни ўрни кўрсатилиб борди. Таълимнинг мақсади жамият эҳтиёжига мос равишда шаклланади. Шундай экан, таълим-тарбия мақсади мос ва мутаносиб бўлиши керак.

География фанини ўқитишнинг асосий муаммоларидан бири ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласидир. Ўқувчиларни билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражада мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий нормаларга мос ҳукукининг пайдо бўлиши тушунилади. Дарс жараёнида ўқувчи атласлар билан ишлаш кўникмасига ҳам эга бўлиши лозим. Шундай экан, педагогик технологияларда бугунги кунда кенг қўлланилаётган Кейс-стади, Муаммоли Кластер, БББ, Инсерт, Камалак кабилари ишланмаларда қўлланилиши кўрсатилиб берилди. Деярли барча мавзуларга блиц-суров, кейс-стади, кластер технологиялари қўлланилди ва уларнинг самарадорлиги юқори эканлиги белгиланди. Бугунги кунда таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган қўплаб инновациялар яратилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда география дарсларида ўқув ва ижодий фаолликни оширувчи ҳамда таълим жараёнининг самарадорлигини оширувчи таълим технологиялар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Географияни ўқитишда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ижтимоий психологик муҳитни вужудга келтиришни ўқитуви томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади. Дидактикдан ишлаб чиқилган ҳар қандай технология ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади лекин қуйидаги технологияларда мазкур масала асосий ғояни эгаллайди. 1. Дидактик ўйин технологиялари. 2. Муаммоли таълим технологиялари. 3. Модулли таълим. 4. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. 5. Лойихалаш технологияси. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиши билан биргаликда таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи коммуникатив, мантикий фикрлаш, Ақлий фаолият усуллари шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради. Бироқ педагогик технологияларнинг функциялари такқосланганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлади. Муаммоли таълим технологиясида ақлий фаолият усуллари шакллантириш ижодий фаолиятга йўллаш мантикий фикрлашни ривожлантириш функцияларини етакчи ўринни эгаллайди, қолган функциялар уларга гўёки бўлинади. Шу асосда педагогик технологияларнинг дидактик функцияларни таҳлил этиш мумкин.

Ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўқув фаолиятини таққилош эмас, балки йўналтириш, ўқув фаолиятини ҳамкорликда



ташқил этиш-бошқариш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирон бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташқил этиш, шахснинг 83 эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларини чегаралаш эмас, балки эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади. География фанида ўқувчилар ўзига яраша ушбу фан дастуридан келиб чиққан ҳолда билим, кўникма, малака ва компетенцияга эга бўлишлари лозим. Униг гучун ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро таълимий-тарбиявий муносабат тўғри бўлиши керак. Янги муносабатларнинг асосий моҳияти, анъанавий таълимда кўзда тутилган натижаларни бермаётган мажбуран ўқитишдан воз кечиш ва унинг ўрнига ўзаро ишончга асосланган талабчанлик; -таълим жараёнини самарали ташқил этиш орқали ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотиш ва онгли интизомни вужудга келтириш; мустақил фаолиятни ташқил этилиши; -тегишли талабларни жамоа орқали қўллашни амалга ошириш муҳим саналади. Таълим тизимида янги муносабатларнинг вужудга келиши шахсга тафовутлаб ёндошишни талаб этади.. Педагогик технологиялар ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатини ташқил этишнинг асоси саналса, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташқил этиш бошқа технологияни қўллашни талаб этади. Шу сабабли ҳар бир машғулотда битта технологиядан эмас. Шундай қилиб, битта машғулотда бир нечта педагогик технология уйғунлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар ўқувчиларда ижтимоий нормаларга мос онгли интизомнинг вужудга келиши, мотивациянинг юқори даражада бўлиши, билим, кўникма ва малакаларни онгли ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши кўзланган натижанинг кафолатланганлиги ва самарадорликнинг юқори бўлиши билан қимматлидир бизга маълумки дунёвий фанларнинг ядроси табиатшунослик фани ҳисобланади. Шунга кўра география фани ўқувчиларга илмий дунёқарашни шакиллантириш учун катта имкониятларга эга. Табиатда бор объектларни тузилиши, ривожланиши борасидаги қонуниятларни аниқ тушунишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атамирзаев О.Б. О современной системе географических наук. « география фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари » – Тошкент: 2014.
2. Алимқулов Н.Р, Абдуллаев И.Х. «Амалий география» фанини соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси (ЎМКХТМ ўқитувчилари учун методик қўлланма) – Тошкент: 2012

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 25-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000